

**ЗОМИН 2022 РЕСПУБЛИКА ЁШ ИЖОДКОРЛАР СЕМИНАРИНИНГ БАДИЙ  
ПУБЛИЦИСТИКА ИШТИРОКЧИСИ**

**Отабек Қобилов**

*Наманган вилояти Чуст тумани Тинчлик маҳалласи ёшлар етакчиси*

– Туризм – бу ҳам инвестиция, ҳам экспорт, ҳам янги иш ўринлари ва камбағалликни қисқартириш дегани. Шунинг учун ҳар бир ҳудудда бу соҳага жиддий эътибор қаратиб, кўпроқ сайёҳларни жалб этиши керак

**Ш.М.Мирзиёев**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Муқаддас қадамжойлари машхур Чуст*

Ўзбекистон табиати ўзининг гўзаллиги ва турли-туманлиги билан ажралиб туради. Наманган вилояти ҳам ўсимлик дунёси, манзаралари, тарихий ва сайёҳлик масканлари билан алоҳида диққатга сазовор. Бизни ўраб турган табиат жуда ҳам мўжизавийлигини ҳамма билади. Биз яшаётган сайёрамизда шундай гўзал ва бетакрор манзарага эга бўлган гўшалар мавжудки, уни ҳар бир инсон ҳаётида бир маротаба бўлса ҳам томоша қилиши керак. Наманган вилояти гўзал табиат манзаралари ва узоқ ўтмишга бориб тақаладиган тарихий ёдгорликлари, сўлим зиёратгоҳлари билан ҳам дунёга танилган. Чуст - бу қадим тарих дунёсининг илғор ва асрлар давомида бу шаҳар бутун цивилизациянинг қайноқ қозони, илғор ғоялар ва буюк мутафаккирларнинг Ватани бўлган. Тарих саҳифаларида из қолдирган қадимиш шаҳар Чустни тарихида кўплаб қийин даврларни бошдан кечирган тарихий ва муқаддас маскан. Чуст юрт тараққиётiga бекиёс ҳисса қўшган нафақат бир миллат, балки бутун дунё фаровонлиги учун илмдаргоҳи бўлиб хам хизмат қилган тарихий маскандур. Чуст Наманганинг энг қадимги шаҳарларидан бири, тарихий ва маданий мероси ва миллий бирликнинг рамзи сифатида жамоат ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга бўлган муқаддас жойлари мавжуд. Улар ҳалқ орасида алоҳида ҳурматга сазовор бўлган маданий мерос ёдгорликлари. Хусусан, дунёвий ва диний меъморчилик обьектлари, табиий ландшафт ёдгорликлари, шунингдек мухим тарихий воқеалар билан чамбарчас боғлиқ бўлган тарихий аҳамиятга эга бўлган обьектлар мавжуд. Чуст келажагини ҳалқаро туризмнинг жадал ривожланиши ва минтақада саноатнинг ўсиши билан тасаввур қилиш мумкин. Бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Чуст азалдан савдо ва бирдамлик маркази бўлган. Бинобарин туризмнинг мухим бир бўлагига айлантириш, шубҳасиз, давлат раҳбарининг мухим қароридан биридир. Бундан буён Буюк Ипак йўли бўйлаб шаҳарнинг қиймати ошади.

Наманган вилояти юқори туристик салоҳиятга эга бўлиб ривожланиб юксалаверади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бир сўзи билан айтганда: „Ҳар бир миллат, ҳар бир мустақил давлат ўзининг маънавий марказини белгилаши керак. Деган долзарб фикрлари ўлароқ йил давомида кўп ўзгаришлар юз берди ва дадил ташаббуслар қабул қилинди. Бир сўз билан айтганда шаҳар тубдан реконструкция қилинади хамда қилинмоқда. Шахар ўзгача қиёфа касб этади.



Худудда мамлакатда тарихий ва маданий мерослар кўплаб ёдгорликлари жойлашган. Бу ерда қадимий шаҳарлар, мақбаралар ва ибодат жойлари жойлашган. Наманган вилояти кўплаб муқаддас қадамжойларга ва тарихий обидаларга бой. Баъзи тарихчиларнинг фикрига кўра, 4000 йиллик тарихга эга шаҳарнинг асосий ғурурларидан Чустнинг машҳур зиёратгоҳларидан бири Бибиона, От чопар эшон хамда Мовлоно Лутфуллоҳ зиёратгоҳи борлиги бу жуда хам қувонарли ҳол албатта.



Хозирда шаҳарнинг тарихий марказида хусусий сармоядорлар ҳисобига мамлакатда ўхшашлиги бўлмаган кўп қиррали туристик мажмуалар қурилиши давом этмоқда. Ушбу иншоат ва иморатлар албатта Шарқона услубда қурилияпканлиги бу хам бўлса сайёҳларни эътиборини янада жалб қилиш хам кўзда тутилажак ва яна хамма қулайликларга эга меҳмонхоналар мавжуд бўлмоқда.

Лойиҳа минтақада иқтисодиётини ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшиши табиий ҳол албатта Шубҳасиз, узоқ тарихга эга бўлган Наманган вилоятининг Чуст шахрига ҳамма ташриф буюришни орзу қиласидиган марказдир. Минтақада кўп асрлик шаҳарлар, тарихий бинолар, мақбаралар ва зиёратгоҳлар мавжуд. Бугунги кунгача сақланиб қолган қадимий биноларнинг меъморчилиги ҳақиқатан ҳам ҳайратланарли. Бугунги кунда жаҳон туризмини ривожлантиришнинг турли хил усуслари мавжуд.

Туризм учун дунёдаги энг жозибали давлатлардан бири шифобахш ва қалбни даволайдиган воситалар билан мақтана олади, бошқалари эса табиатнинг диққатга сазовор жойларини намойиш этиш билан банд. Яна бир қисми тарих ва маданиятга бой соҳаларни тарғиб қилишга бағишиланган. Мамлакатнинг тарихий ва маданий меросга, шунингдек, табиатга бағишилаган улкан ҳудудга бой. Шубҳасиз, бу туризмнинг маданий, маърифий, экологик, бизнес ва бошқа турларини ривожлантириш учун зарур шартдир. Муқаддас Чуст бу каби жиҳатларни ривожлантириш орқали сайёҳларни жалб қилиш учун катта имконият яратадиган мамлакатдаги ноёб тарихий ва сирли жойлардан биридир. Чустда туризмни халқаро даражада ривожлантириш мақсадида кўплаб лойихалар ҳам қўлланилмоқда.. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши иқтисодиёт ривожланиши ва туризм ривожига ижобий таъсир кўрсатиши табиий ҳол. Шубҳасиз, узоқ тарихга эга бўлган Чуст шахри ҳамма ташриф буюришни орзу қиласидиган марказдир.

Бугун Чуст шаҳри сайёҳларни ўзига мафтун этувчи ўзига хос ҳудудга айланган. Яхшиси туманнинг бир қатор туристик масканлар ҳақида тўлиқроқ маълумот берайлик. Бу ерда гастрономик туризм яхши ривожланган. Чуст шаҳридаги Мавлоно Лутфуллоҳ номидаги маданият ва истироҳат боғига келган киши Чуст ошидан емай кетмайди. Бу маскан маҳаллий ва хорижий сайёҳларни ўзига жалб қилмоқда. Мавлоно Лутфуллоҳ номидаги маданият ва истироҳат боғи 1932 йилда Чуст шаҳри ижроия қўмитаси томонидан Мавлоно Лутфуллоҳ зиёратгоҳи ҳудудида ташкил этилган. Боғнинг фаолияти мавсумий, асосан, май-октябрь ойларида гавжум бўлади. Олдинлари бир кунда 4-5 минг, кишига хизмат кўрсатган бўлса пандемиядан сўнг бу ерга келувчилар сони ортиб борди яъни 6-7 минг юртдошларимизга сайёҳларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Истироҳат боғи ҳудуди 6,1 гектар майдондан иборат, 7 та кириш эшиги бор, улардан 4 таси захирада. Боғмарказида жойлашган Мавлоно Лутфуллоҳ мақбараси қайта замонавий тарзда таъмирланди. Ўзбекистоннинг ilk ҳалқ ёзувчиси Муҳаммадшариф Сўфизода ва шоир Чустий бюсти ёнига чустлик болалар шоири Зафар Диёр бюсти ўрнатилди. Боғнинг ғарбий томонида жойлашган чойхоналар олдидағи сўрилар олиб ташлангач, ўрнига миллий ганжкорлик усулидаги кенг ва муҳташам шийпонлар қурилиб, янги сўрилар билан тўлдирилди, атроф янада обод қилиниб, кўкаламзорлаштирилди. Боғ ўртасида замонавий рангли-музиқали фаввора барпо

этилган бўлса Мавлоно Лутфуллоҳ мақбараси ёнига яна бир дилларга хузур бағишилайдиган рангли фаввора ўрнатилди. Тобора чирой очаётган файзли хамда қадимий зиёратгоҳлар қайта таъмирланиб асл холича сақланиб келинмоқда

Минтақада кўп асрлик шаҳарлар, тарихий бинолар, мақбаралар ва зиёратгоҳлар мавжуд. Бугунги кунгача сақланиб қолган қадимий биноларнинг меъморчилиги ҳақиқатан ҳам ҳайратланарли Қадим ва кўхна Чустга келган сайёҳлар туризм бошқармаси маълумотларига кўра, сайёҳларнинг катта қисми Қирғизистон, Тоҷикистон Қозоғистон фуқаролари бўлишган экан. Шунинг учун туризм минтақа учун ажралмас даромад манбаи ҳисобланади. Чуст шаҳри сайёҳлик кластерига айланиб бормоқда ва йилига минглаб сайёҳларни қамраб олмоқда. Туризм - иқтисодиётининг энг динамик соҳаларидан бири бўлиб ҳизмат қилмоқда Ўзбекистоннинг ҳар бир минтақаси туризм кластерининг марказидир. Чуст ўзингинг неча йиллик асрлик миллий хунармандчилиги ҳам дунёга донғи кетган маскантур.



Ғовақишлоғинияёвкезганда.....



Чустнинг шимолий қисмида тоғ оралиғида тиник ва зилол сувни мусафо ҳавосига эга Ғова қишлоғи жойлашганги ўлкамиздаги дам олиш жойларидан ҳечам қолишмайди. Бу ерда аҳоли асосан дехқончилик, боғдорчилик, чорвачилик ва асаларичилик билан шуғулланишади. Қишлоққа саёҳат қилар экансиз, ўзингизни мисоли жаннатга тушиб қолгандай ҳис этасиз. Баҳорда қўш билан ер хадаётган дехқонлар, мевазор боғларни парвариш қилаётган боғонларни, дўппи, тикаётган қиз -жуvonларни кўриб қўзингиз қувонади. Одамларнинг меҳмондўстлиги, бир

бирига меҳр- оқибати, каттага ҳурмат ва кичикка иззатда бўлишлари, шарқона анъанавий хусусиятларни сақланиб қолгани халқимиз урф- одатлари авлоддан-авлодга ўтаётганидан далолат.-Иккинчи Жаҳон уруши оқибатида етим қолганлар учун болалар уйи очиб, Россиянинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келтирилган болалар меҳри дарё ғоваликлар қарамоғида ғамғўрлигида таълим тарбия олганлар.Шу меҳрибонлик уйида мени Фотима онам ошпаз бўлиб ишлаганлар деб ўз хотираларини ёдга олди нафақадаги 86- ёшли Ортиқпошша момо. Ғова сўзининг тарихий маъноси Ғова қишлоғи сувнинг бошида бўлгани учун сув талашиб жанжал, яни ғавғо чиқиб турган, шу туфайли ғавғо сўзи кейинчалик Ғовага айланиб кетган деган фикрни илгари суришган. Бундай фикрлаш халқимиз учун хурматсизлик бўларди. Негаки тарихдан биз яхши биламизки, ҳар бир қишлоқда энг обрўли одамлардан мироб тайинланган, улар сув тақсимотини адолатли олиб боришган. Чорвачилик билан ҳам шуғулланган оиласлар ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Ғова сўзи ғавғо сўзидан эмас, балки ғов сўзидан келиб чиққан дейиш мақсадга мувофиқ. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг Бобурнома асарида Ғовада бир муддат бўлгани ҳақида ёзган, аммо Ғова сўзига изоҳ бермаган. Чуст туманида олиб борилган илмий тадқиқотларни Археолог В.И.Спришевский ўзининг тинимсиз изланишлари натижасида фан учун ғоят қимматли бўлган яна бир мухим ноёб топилмани қўлга киритди.У Ғова қишлоғи яқинидаги адирли ерларда тошдан ясалган гумбаз мозорларини очиб текшириб, юрганда эрамизнинг III-IV асрларига доир шундай бир тутам пахта или ва чигит қолдиғини топади.Бу ип ёғоч найда ичида бўлгани учун минг йиллар давомида чиримай турган Бу топилма юртимизда пахтачилик тарихини ўрганишда катта ахамиятга эга бўлди.Ғова қишлоғининг қадимги аҳолиси хозирги ўрнидан шарқ тамонда жойлашган бўлган.Бу хозирги оққир атрофлари хисобланади.Бу ерда ғоваликларнинг қадимги қабристони жойлашган. Бу Кўклам мозор қабристонидир.(Хозир ҳам бор) Қишлоқ хозирги ўрнидан Ғарб томонга кенгайиб борган.Чунки сой ҳам табиат қонунлари асосида Ғарб томонга сурилиб борган. Асосий машғулотлари дехқончилик,чорвачилик билан ҳам шуғуланишган. Ирригация масаласида анча тадбиркор ҳалқ.Сойдан "Кўтарма" усулида дашт ерларга сув чиқаришган,янги ерлар очиб,боғ,узумзорлар барпо қилишган.Бугунги кунга келиб дашт ерларда ҳам дехқончилик қилиш учун шароитлар қилиниб борилмоқда.Бундай манзарали ва ободлик хукум сураётган масканда қўлинга қалам олиб ижод қилишга ҳам ундейди.

Ғова қишлоғи асосан картошка етиштиришга ихтисослаштирилган бўлиб, Ғовада картошка экмайдиган хонадонни топиш амримаҳол. Дехқончиликнинг қизиқ томони шундаки, экинни ерга қадаш, унга ишлов бериш ва ҳосилни йиғиш ишлари от ва эшаклар ёрдамида амалга оширилади.Қишлоқда картошка шунчалик кўп экиладики, мавсумда қишлоқ ҳудудида картошкани улгуржи сотувчи алоҳида бозор

ташкил қилинади. Деҳқонларнинг айтишича, баъзида бу бозордан кунига 500 тоннагача картошка бошқа ҳудудларга сотилар экан.



Фова қишлоғи ҳақида эшитмаганлар бўлмаса керак. Айнан шу тоғ бағрида жойлашган бу қишлоққа бутун вилоятдан ва қўшни Республикалардан ҳам дам оловчилар келади. Шунга яраша дам олиш масканлари ҳам кўп.



Одамлар тоғ ёнбағирларидағи барча ерлардан үнумли фойдалангани қувонарлы ҳолат. Хуллас, Ўзбекистоннинг энг чиройли жойларидан бири Ғова десак, бўрттириш бўлмайди. Имкон топиб, бу ерга келсангиз, адашмайсиз.Ҳа бу Ғова қишлоғи яқин 4-5 йил давомида анча ўзгаришларга ва хусн жамолини бошқа қишлоқлардан анча фарқ қила олишига эришди.Сабаби ахоли ўсиши хамда даромадли бўлиши учун хар бир қарич ердан мақсадли фойдаланиш илинжида турли кўринишда дам олиш масканлари, 20 га яқин оиласвий уй меҳмонлари ташкил қилиниб даромадга эга бўлишмоқда.




У серсув, тоза ҳаво ва тошқин сув келтирувчи бетакрор сой ёқасида жойлашган. Атрофи эса тоғлар билан ўралган ғоят сўлим ва хушҳаво макон. Тарихи яқин 3-4 минг йилга бориб тақаладиган Ғова ўзининг бетакрор табиати, қир-у тоғлари ва сою жилғалари билан азалдан минглаб сайёҳларни ўзига тортиб келган. Сўнгги йилларда қишлоқнинг туризм салоҳиятини янада юксалтириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

— Ҳаракатларимиз замирида Ғовани ривожлантириш, туризм инфратузилмасини яхшилаш, қишлоғимиз меҳмонлари учун қулай шароитлар яратиш ва шу қатори бирга аҳолини иш билан таъминлаш мақсади мужассамлашган оиласвий уй меҳмонлари ташкилланиб келинмоқда дейди ёш тадбиркор Зиёвуддин.


Албатта туризм ривожланган жойда беихтиёр яшаш шароити хам яхшиланиб боражак. Ҳа, Чуст шаҳри олам-олам таассуротлар манзили. Табиатидан тортиб инсонларигача фақат табиийликни ҳис қиласиз. Ҳамма кўрганига ишонади. Сиз ҳам келинг, кўринг ва завқланинг.

## Құрақүрғон қишлоғидаги Тешиктош минглаб сайёхлар келадиган маскан

Юқорида айтганимиздек Чустнинг тоғлар бағрида жойлашган Қорақүрғон ва ғова қишлоқлари борлиги ва айни дамда бу ерда туризм соҳаси ривожланмоқда негаки табиати ва иқлими ўзгача сирли тоғли маскандур.



Бу ерда тоғ-фор туризмини ривожлантириш имкониятлари жуда катта. Яна бир жиҳатта эътибор қаратамиз, Тешиктош ва унинг атрофида шундай ажойиб манзаралар борки, кўплаб машҳур рассомлар қаламига тушган. Шунингдек, Тешиктош водий ва бошқа вилоятларга машҳур зиёратгоҳ мақомига ҳам эга. Сиз суратда кўриб турган маҳобатли тошнинг тешик жойини уч марта айланиб ўтилса, Яратганинг қудрати билан ниятларингиз ижобат бўлар экан.



Тешиктош бу восита холос. Бу ердами ёки бошқа муқаддас қадамжода бўласизми, қалбингиз Аллоҳга уланганидагина ниятлар рўёбга чиқади. Тешиктош Марказий Осиё аҳли учун машҳур қадамжо мақомига ҳам эга. Пурвиқор тоғлар турли хил шаклларга ҳам ўхшатиш мумкин. Қорақүрғонда айни Титаник деб ном олган тоғ мавжуд. У тепаликка чиқишида албатта **1970 йиллар** оралиғида хашар йўли билан бунёд бўлган ташриф буюрувчи меҳмонлар учун чиқиш зиналарини ҳам бунёд қилишган. Ушбу тепаликдан бутун қишлоқ мисоли кафтдек кўринади...

Чуст бир сўз билан айтганда муқаддас ва кўхна навқирон шаҳардур. Бизи билганларимиз шу хали биз билмаган маълумотлар қанча экан...!

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР :**

1 Muqimjanova, Mohira Muydinova, и Karimjonova Gulshanoy Sherali qizi. 2023. «JAMIYATDA BO'LAYOTGAN O'ZGARISHLARNING OILAGA TASIRI». Новости образования: исследование в XXI веке 1 (6):1068-72.  
<http://nauchniyimpuls.ru/index.php/noiv/article/view/3826>.

2 Чуст тарихи

3 Наманган тарихи китоби

4 Turizm.uz sayti

Salijanova, I. S., Sherbabayevna, H. Q., Rahmanova, M. Y., Nabibullayevich, X. F., & O'G'Li, A. I. N. (2022). O'SIB KELAYOTGAN YOSH AVLODGA TA'LIMIY VA DIDAKTIK O'YINLAR ORQALI TA'LIM BERISHDA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR. *Science and innovation*, 1(B3), 18-22.

Mirzakhalilovich, Y. M., Nabibullaevich, K. F., & Abdulazizovna, K. B. (2021). Ecological-geographical distribution of aphids (homoptera aphidinea, aphididae) in the Fergana valley.

Юнусов, М. М., & Хабибуллаев, Ф. Н. (2021). Қаттиққанотлиларни йифиш ва улардан коллекциялар тайёрлаш. *Scientific progress*, 1(4), 103-107.

Хабибуллаев, Ф., Осбаев, М. У., & Маматкулова, М. Т. (2017). Особенности иммунной системы слизистой оболочки тонкой кишки. Актуальные научные исследования в современном мире, (4-6), 137-141.

Xabibullayev, F. (2022, December). THE HISTORY OF THE ORIGIN OF THE ART OF STATUS AND TODAY. In " ONLINE-CONFERENCES" PLATFORM (pp. 157-158).

Хабибуллаев, Ф. Н. (2019). Охрана и использование полезных насекомых. Молодой ученый, (21), 55-58.

Хабибуллаев, Ф. Н. ҲАШАРОТЛАРНИ ОДАМ ВА ТАБИАТ ҲАЁТИДАГИ РОЛИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ Захириддин Мухаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети, 197.